

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ХАКИМОВ БАҲОДИР БОЗОРОВИЧ**

**ДИЗЕЛЬ ВА БИОЭТАНОЛ ЁНИЛГИЛАРИДАН СИФАТЛИ АРАЛАШМА  
ҲОСИЛ ҚИЛИШ ҚУРИЛМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.02 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини  
ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Хакимов Баходир Бозорович**

Дизель ва биоэтанол ёнилғиларидан сифатли аралашма ҳосил қилиш  
қурилмаси параметрларини асослаш..... 3

**Хакимов Баходир Базарович**

Обоснование параметров устройства по подготовке качественной  
смеси дизельного и биоэтанольных топлив..... 19

**Khakimov Bakhodir Bozorovich**

Justification of installation parameters for high-quality preparation of a  
mixture of diesel and bioethanol fuel..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ХАКИМОВ БАҲОДИР БОЗОРОВИЧ**

**ДИЗЕЛЬ ВА БИОЭТАНОЛ ЁНИЛГИЛАРИДАН СИФАТЛИ АРАЛАШМА  
ҲОСИЛ ҚИЛИШ ҚУРИЛМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.02 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини  
ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/T818 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Салимов Окил Умурзакович**  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**Расмий оппонентлар:** **Худойбердиев Толибжон Солиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Алимова Зебо Хамидуллаевна**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.:(+998-71)237-09-45; факс: (+998-71) 237-38-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.:(+998-71) 237-09-45; факс: (+998-71) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.С. Мирзаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**К.Д. Астанақулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

**А.А. Ахметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда энергия-ресурстежамкор ва иш унуми юқори бўлган анъанавий ёнилғиларга биоэтанолни аралаштириш жараёнини амалга оширадиган қурилмаларни ишлаб чиқиш етакчи ўринни эгалламоқда. «Дунё миқёсида муқобил ёнилғи ишлаб чиқариш ва фойдаланишда биоэтанол ёнилғисининг улуши 20-25 фоизни ташкил этиб, 2020 йилда бу кўрсаткич 120 млрд литрни ташкил этилиши кутилаётганлигини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, иш сифати ва унуми юқори бўлган ҳамда энергия-ресурстежамкор дизель ва биоэтанол ёнилғи аралашмасини ҳосил қилувчи қурилмаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланмоқда. Шу жиҳатдан, дизель двигателларида дизель ва биоэтанол ёнилғилари сифат кўрсаткичларини ўзгартирмасдан аралаштириб берадиган қурилмаларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда анъанавий ёнилғиларни тежаш учун биоёнилғилар аралаштиришни амалга оширадиган ресурстежамкор технологиялар ва аралаштириш қурилмаларининг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, дизель ва биоэтанол ёнилғиларидан сифатли аралашма ҳосил қилиш жараёнларида белгиланган сифат ва ресурстежамкорликни таъминловчи, дизель ва биоэтанол ёнилғиларини миқдорлашган аралашмасини маълум ҳароратгача қиздириб сифатли аралашма ҳосил қилиш қурилмасини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, табиий ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалиги техникаларида ишлатиладиган муқобил ёнилғилар кўламини ошириш, сифатли суюқ муқобил ёнилғиларни ишлаб чиқиш ва қишлоқ хўжалиги техникаларида қўшимча ёнилғи сифатида қўллаш бўйича кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, энг аввало, ... муқобил ёнилғилардан фойдаланишни амалга оширадиган замонавий технологияларни жорий этиш, иш сифати юқори бўлган ёнилғи аралаштириш қурилмаларидан кенг фойдаланиш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан дизель ёнилғиси ва биоэтанол миқдорлашган аралашмасини қиздириб узатувчи қурилмани техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳисобига сифатли ёнилғи аралашма тайёрлаш қурилмаси параметрларини асослаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup><http://nrm.uz/content>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифimini қисқартириш, энергия тежайдиган технологиялар ва тизимларни жорий этиш чора-тадбирлар Дастури тўғрисидаги», 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш усуллари ривожлантириш, илғор технологиялар асосида технология ва қурилмаларни яратиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Двигателларда муқобил ёнилғилардан фойдаланиш учун қурилмалар яратиш, уларнинг технологик иш жараёнлари ва параметрларини асослаш ҳамда двигателлар ишига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар R.D.Cortright, R.R.Davda, B.Dewille, G.Duricz, J.Rabilloud, S.A.Abontl-Seand, H.M.El-Shaarawi, L.Chris, B.H.Луканин, В.А.Марков, В.А.Лиханов, В.И.Мальчук, Л.В.Грехов, А.С.Орлин, Н.А.Иващенко, С.Д.Чайнов ва бошқалар шуғулланишган.

Ушбу йўналишда республикамизда О.У.Салимов, А.А.Муталибов, Ш.У.Йўлдашев, С.М.Қодиров, Т.С.Худойбердиев, М.М.Арипджанов, Б.И.Базаров, К.А.Шарипов, Р.Қ.Мусурманов, Ш.Ж.Имомов, А.Ш.Азизов ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бу тадқиқотлар натижалари асосида яратилган машина ва қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, мазкур тадқиқотларда республикамиз шароитида двигателларда дизель ёнилғисига биоэтанолни белгиланган миқдор ва ҳароратларда аралаштириб берадиган қурилма ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ОТ-Ф5-051 «Суюқликларни нано-филтрлаш жараёнининг аналитик боғлиқлигини яратиш» (2007-2011) лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** биоэтанол ёнилғилардан фойдаланиш самарасини ошириш учун двигателга дизель ва биоэтанол миқдорлашган аралашмасини қиздириб узатувчи энергия-ресурстежамкор қурилма ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

дизель ва биоэтанол миқдорлашган ёнилғи аралашмасини, қиздириб узатиш қурилмасининг конструктив схемасини ишлаб чиқиш;

дизель ва биоэтанол ёнилғиларининг аралашмиш жараёнларини сифатли амалга оширадиган қурилма параметрларини аниқлаш;

дизель ва биоэтанол ёнилғи аралашмасини ҳосил қилиш жараёнида унинг барқарор ҳароратини иш кўрсаткичларига таъсирини асослаш;

дизель ёнилғи ва биоэтанол аралашмаси фазалари орасида моддалар узатилиш абсорбция тезлик даражасини аниқлаш имконини берадиган аналитик ифодани ишлаб чиқиш;

тажрибаларни математик режалаштириш усулини қўллаб дизель ва биоэтанол ёнилғи аралашмасини ҳосил қилиш қурилма параметрларининг мақбул қийматларини асослаш;

асосланган параметрларга эга бўлган дизель ва биоэтанол ёнилғи аралашмасини ҳосил қилиш қурилмасининг тажриба нусхасини тайёрлаш, лаборатория стендида синаш ва натижаларни техник шартларга мослигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида дизель ва биоэтанол ёнилғилари, дизель двигатели асосидаги синов стенди, дизель ва биоэтанол миқдорлашган аралашмасини қиздириб узатувчи қурилма олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** дизель ёнилғиси ва биоэтанолни ўзаро таъсирланиш жараёнида миқдорларни ўтишини ифодаловчи аналитик боғланишлар ва математик моделлар ҳамда унинг аралашма концентрацияси ҳароратига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида иссиқлик техникаси, назарий механика, олий математика ва математик статистиканинг қонун ва қоидалари, қиёсий таққослаш, экспериментларни математик режалаштириш, автотрактор двигателларини стендда синаш ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ 33-2000, TSt 63.03.2001, РД Уз 63.03-98) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

дизель ва биоэтанол ёнилғиси хусусиятларини инобатга олиб, уларнинг миқдорлашган аралашмасини қиздириб узатиш йўли билан сифатли аралашма ҳосил қилиш қурилмасининг конструктив схемаси ишлаб чиқилган;

дизель ва биоэтанол ёнилғи аралашмасини ҳосил қилиш қурилмасида фазалар орасида бир-бирига ўтаётган моддалар миқдори жараённинг чегара ва бошланғич шартлари орқали аниқланган;

суёқ ёнилғи гидродинамик ҳаракатини турбулентлиги ҳамда аралашманинг ҳажм массасини қурилмада моддаларни узатилиш абсорбция тезлик даражасини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

қиздиргич ва аралашма ёнилғи узатиш қувурларининг параметрлари дизель ва биоэтанол ёнилғиларидан сифатли аралашма ҳосил қилиш қурилмасини асосий ўлчамлари асосида аниқланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дизель двигателлари таъминлаш тизимида ўрнатишга мўлжалланган дизель ва биоэтанол миқдорлашган аралашмасини қиздириб узатадиган ва асосланган параметрларга эга бўлган аралашма ҳосил қилиш қурилмаси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган қурилмани дизель двигатели энергетика воситаларида қўлланилганда двигатель қувватининг ошиши ва ёнилғи сарфининг камайиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, ҳарорат стимуляторининг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий-механиканинг асосий қоида ва усулларига амал қилинганлиги, тажриба натижаларига математик статистика услублари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган ҳарорат стимулятори лаборатория стенди ва хўжалик синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дизель ва биоэтанол миқдорлашган аралашмасини қиздириб узатиш йўли билан сифатли аралашма ҳосил қилиш қурилмасининг параметрлари асосланганлиги ҳамда олинган математик моделлар ва аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш қурилмаларнинг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган дизель ва биоэтанол миқдорлашган аралашмасини қиздириб узатувчи қурилма қўлланилганда, ёнилғи-мойлаш материаллари, меҳнат сарфи, фойдаланиш харажатларини камайтириш ва иш унумини оширишга эришилганлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Дизель ва биоэтанол ёнилғиларидан сифатли аралашма ҳосил қилиш қурилмасининг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

ёнилғилардан сифатли аралашма ҳосил қилиш қурилмаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги фермер хўжаликларда Сайхунобод, Қамашин туман фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 12 июндаги 02/023-130-сон маълумотномаси). Натижада дизель ва биоэтанол миқдорлашган аралашмасидан дизель двигателларида қўлланилганда двигательнинг қуввати 8-10 фоизга ошган;

дизель ва биоэтанол миқдорлашган аралашмасини қиздириб узатиш қурилмаси «Ўзагросервис» АЖ тасарруфидаги корхоналарда жумладан Юқори Чирчиқ туман «Агросервис МТП» МЧЖ ва Сайхунобод туман «Агросервис МТП» МЧЖга жорий этилган («Ўзагросервис» АЖнинг 2019 йил 17 январдаги

09-02/108-61-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалик агрегатларида бир смена давомида 46,1 литр ёнилғини тежаш имкони яратилган.

ёнилғи аралаштириш қурилмасидан олинган дизель ва биоэтанолнинг мақбул концентрациядаги аралашмаси «Ўзнефтмахсулот» АЖда жорий этилган («Ўзнефтмахсулот» АЖнинг 2018 йил 28 июндаги 20/11-481-сон маълумотномаси). Натижада дизель ва биоэтанол микдорлашган аралашмаси хўжаликларда дизель двигателлари учун ёнилғи сифатида фойдаланилганда дизель ёнилғисини 12 фоизга тежаш ҳамда ишлатилган зарарли газларнинг атмосферага чиқишини камайтириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти кенг очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дизель ва биоэтанол ёнилғиларидан сифатли аралашма ҳосил қилишнинг ҳозирги аҳволи ва муаммонинг қўйилиши**» деб номланган биринчи бобда, дунёда энергия ресурсларининг танқислиги, нефть нархининг мунтазам равишда ошиб бораётганлиги ва уларни табиатдаги захиралари, республикамизда биоёнилғи ишлаб чиқариш ҳолати, биоэтанол ёнилғисини олиш усуллари, фойдаланишга доир илмий ишлар ва қурилмалар таҳлил қилинган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган.


Дизель ва биоэтанол ёнилғи аралашмасининг солиштирма оғирлиги, зичлиги, қовушоқлиги, аралашувчанлиги, чакнаш ҳарорати, алангаланиш чегараси, ёниш иссиқлиги, элементар таркиби ва бошқалар унинг энергетика воситалари учун ёнилғи сифатида фойдаланиш мумкинлигини белгиловчи кўрсаткичлар ҳисобланади.

Биоэтанол углеродли органик бирикма бўлиб, кислород билан бирикиш жараёнида ёнади ва табиий метаболизм натижасида ўзидан иссиқлик чиқаради.

Таркибида кислород миқдорининг кўплиги ва ундаги барқарор ҳарорат кўрсаткичлари чиқинди газларнинг камайишига олиб келади. Ўтказилган таҳлилларни кўрсатишича биоэтанол ёнилғилардан фойдаланиш ва унинг самарасини ошириш учун двигателга дизель ва биоэтанол миқдорлашган аралашмасини қиздириб узатувчи энергия-ресурстежамкор қурилма ишлаб чиқиш билан эришиш мумкин.

Диссертациянинг «Дизель ва биоэтанол ёнилғиларидан сифатли аралашма ҳосил қилиш қурилмасини яратиш ва уни назарий асослаш» деб номланган иккинчи бобида, дизель ёнилғиси ва биоэтанол миқдорлашган аралашмасини двигателга қиздириб узатгич ҳарорат стимулятори конструктив схемасини ишлаб чиқиш ва унинг асосий қисми, параметрларини асослашга доир назарий тадқиқот натижалари келтирилган.

Аралаштириш қурилмаси, биоэтанол узатувчи тишли насос, миқдорловчи мембрана поршен механизм ва илгариланма қайтма ҳаракатланадиган аралаштирувчи пружина механизми билан жиҳозланган бўлиб, умумий сифими 2 литрни ташкил этади (1-расм I).



I- дизель ёнилғиси ва биоэтанол миқдорлашган аралашмасини ҳосил қилиш қурилмаси; II- ҳарорат стимулятори


1-биоэтанол баки; 2-биоэтанол узатувчи тишли насос; 3-тирсакли валдан ҳаракат олувчи мувозанатлаштиргич; 4-биоэтанол узатиш қузури; 5-қурилмани ишга тушириш дастаги; 6-резина сиздирмагич (сальник); 7-поршен механизм; 8-мембрана; 9-ўзгармас магнит (модификатор); 10-илгариланма қайтма ҳаракатланувчи пружина механизми; 11-аралашма баки; 12-ишлатмай кўйгич; 13-асосий ёнилғи кириш қузури; 14-ёнилғи босимини ростлагич; 15-аралашма ёнилғи кириш қузури; 16-ҳарорат стимулятори

**1-расм. Ҳарорат стимуляторини аралаштириш қурилмаси билан боғланиш схемаси**

Ҳарорат стимулятори аралаштирилган ёнилғини маълум ҳароратгача қиздириб узатувчи цилиндрсимон идиш бўлиб, ички аралашма тайёрлаш қисмида ёнилғини қиздириш ва узатиш қувурлари, устки қисмга махсус қопқоқ билан маҳкамланган (1-расм II).

Қурилма ичида кечаётган жараёнларни назорат қилиш учун ҳарорат датчиги, суюқлик йўлини очиш ёки ёпиш клапани ва бошқа датчиклар назоратини таъминлаш учун электрон бошқарув блогги ўрнатилган.

Тегишли математик моделни ишлаб чиқишда, аралашманинг гидродинамик ҳаракати ва аралашмиш чегара сирти орқали ўтаётган ҳажм массасини узатиш жараёнидан келиб чиқиб, икки босқични ўзаро таъсирланиш жараёни қабул қилинди (2-расм). Аралашмиш чегарасида модда узатилиш абсорбция жараён шарти қуйидагича ифодаланди



**2-расм. Абсорбция жараёнида фазаларнинг боғланиш схемаси**

$$\frac{d\Gamma_1}{dt} = K_{a1}c_{11}(1-\theta)e^{x_1\theta} - K_{d1}\theta e^{-y_1\theta},$$

$$\frac{d\Gamma_2}{dt} = K_{a2}c_{21}(1-\theta)e^{x_2\theta} - K_{d2}\theta e^{-y_2\theta}. \quad (1)$$

бунда  $\Gamma_1$  ва  $\Gamma_2$  – фазанинг сиртидаги абсорбцияланган биоэтанол ва дизель ёнилғи аралашмасининг маълум вақтдаги миқдорлари, м<sup>3</sup>;  $K_{a1}$ ,  $K_{a2}$  ва  $K_{d1}$ ,  $K_{d2}$  – дизель ва биоэтанол аралашмасининг аралашмиш чегарасидаги ўзгармас абсорбция ва десорбция тезликлари, м/с;

$c_{11}$ ,  $c_{21}$  – биоэтанол ва дизель ёнилғи эритмасининг концентрациялари;  $\theta$  – адсорбцияланган молекулалар билан қўпланган фаза боғланишлари орасидаги элементар юза, м<sup>2</sup>;  $x_1$ ,  $y_1$ ,  $x_2$ ,  $y_2$  – ўзгармас абсорбцияланган молекулалар орасидаги ўзаро таъсир;  $t$  – вақт, с.

Жараённи чегара ва бошланғич шартларига кўра фаза чегараси орқали ўтаётган моддалар миқдорини қуйидаги ифода орқали аниқланади

$$q_{11} = -D_1 \left( \frac{\partial c_1}{\partial z} \right)_{z=0} = \left( \frac{D_1}{\pi} \right)^{\frac{1}{2}} \left[ \alpha c_{11} + \beta - \xi + \xi \eta (\pi D_2 t)^{\frac{1}{2}} e^{D_2 \eta^2 t} er_n f \eta [D_2 t]^{\frac{1}{2}} \right]. \quad (2)$$


бунда  $D_1, D_2$  – молекуляр ва турбулент диффузия коэффицентлари;  $t$  – вақт, с;  $\xi$  – қаршилиқ;  $\eta$  – фойдали иш коэффицентини;  $r_n$  – пуфакча радиуси, м;  $f$  – пульсация частотаси, 1/с.

Фаза чегараси орқали ўтаётган модданинг абсорбция тезлик даражаси (2) формуладан фойдаланиб аниқланди

$$g_{аб.} = \frac{\left(\frac{D_1}{\pi t}\right)^{\frac{1}{2}} \left[ \alpha c_{11} + \beta - \xi + \xi \eta (\pi D_2 t)^{\frac{1}{2}} e^{D_2 \eta^2 \pi} \operatorname{erf} \eta [D_2 t]^{\frac{1}{2}} \right]}{\omega}. \quad (3)$$

бунда  $\omega$  – аралашмали ёнилғи узатгич қувурнинг кўндаланг кесим юзаси,  $m^2$ ; ( $\omega = \pi \cdot r^2$ ),  $r$  – қувур радиуси, м.

Қуйида қурилма иссиқлик узатиш қувурининг умумий кўриниши ҳамда унинг энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этувчи асосий параметрлар келтирилган (3-расм).



1,4 – пастки ва юқорги штуцерлар; 2 – иссиқлик узатиш қувури;  
3 – тешикли пластинкалар;  $d_{п}$  – тешик диаметри;  $D_n$  – пластинка диаметри;  
 $F_s$  – пластинкадаги тешикли қисмининг юзаси.

### 3-расм. Иссиқлик узатиш қувури ва унинг қисмлари

Қиздиргич сифатида фойдаланилган қувурнинг массаси (3-расм, а) фойдаланилган метал зичлиги ва ўлчамларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги ифода орқали аниқланди

$$m = \rho \cdot \pi (r_1^2 \cdot L + 2r_2^2 \cdot l + n_T \cdot r_3^2 \cdot l). \quad (4)$$

бунда  $r_1$  – корпус радиуси, м;  $r_2$  – қувур радиуси, м;  $r_3$  – тешикча радиуси, м;  $n_T$  – тешикчалар сони, дона.


Қувур кўндаланг кесимида ўрнатилган пластинканинг тешикли қисм юзаси қуйидаги ифода орқали ҳисобланди (3-расм, б)

$$F_c = S_{\text{труб.}} - S_{\text{тешик}} = \pi R^2 - \pi r^2 = \pi(R^2 - r^2) \quad (5)$$

бунда  $S_{\text{труб.}}$  – қувур асосининг юзи, м<sup>2</sup>;  $S_{\text{тешик}}$  – тешик юзи, м<sup>2</sup>;  $R$  – қувур асосининг радиуси, м;  $r$  – тешик радиуси, м.

Юқорида келтирилган ифодалар, ўтказилган тадқиқотлар ва адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида қурилма ичидаги ҳарорат 85-90°C атрофида бўлиши учун қизитиш қувур баландлиги  $L=140$  мм; диаметри  $D=20$  мм; кўндаланг кесимга ўрнатилган пластинкадаги тешикчали қисмининг юзаси  $F_c=15$  мм<sup>2</sup>; тешик диаметри  $d_n=4$  мм; пластинкалар орасидаги масофа  $l_0=4,4$  мм; тешиклар сони  $n=5$  дона; пластинка қалинлиги  $l=3$  мм; қувурнинг массаси  $m=280$  грамм; қиздириш қувурининг ишчи ҳажми  $V_k=4,4 \cdot 10^4$  мм<sup>3</sup> эканлиги аниқланди.

Ҳисоблардан келиб чиқиб, аралашмани ёнилғи узатувчи тешикли қувур параметрлари қуйидагича олинди (4-расм): қувур баландлиги  $L=134$  мм; диаметри  $D=15$  мм; тешикларнинг узунлик бўйича жойлашиши  $l_0=5$  мм; тешиклар сони  $n=264$  дона; тешик диаметри  $d_T=2,7$  мм; тешиклар орасининг кенглиги  $C=5,22$  мм.



1 – ёнилғи узатувчи штуцер; 2 – тешикли қувур;

**4-расм. Аралашма ёнилғи узатувчи тешикли қувур**

Ёнилғи узатувчи тешикли қувур ҳажми қувурнинг умумий ўлчамларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ифода орқали аниқланди

$$V = L \left( S - \sum_{i=1}^{265} S_{\text{тешик}} \right) = \pi L \left( r_2^2 - \sum_{i=1}^{265} r_{2i}^2 \right) \quad (6)$$

Биз таклиф этаётган қурилма корпуси мавжуд дағал тозалаш фильтр корпусидан аналог сифатида фойдаланилган (1-расм II). Қурилмага юқоридаги ифодалар орқали асосланган ўлчамлардаги аралашмани қиздириш ва узатиш қувурлари ўрнатилгандан сўнг қурулманинг умумий ҳажми ўзгаради. Ҳарорат стимуляторининг асосий ишчи ҳажми, унга киритилган қувурларнинг параметрларидан келиб чиқиб қуйидаги ифода орқали ҳисобланади

$$V_{ym} = \pi \left[ r_1^2 + \frac{h^2}{3} (2r_1 - h) \right] - \left[ \pi r_2 L - 10 \cdot \pi r_3^2 \cdot l + 2\pi r_2^2 \cdot l - \pi L \left( r_2^2 - \sum_{i=1}^{265} r_{2i}^2 \right) \right] \quad (7)$$

Юқорида олинган ифодалар ва амалий тадқиқот натижалардан ҳарорат стимуляторининг асосий параметрлари аниқланди, унга кўра: баландлиги 150 мм, оралиғида ички диаметри 100 мм, ташқи диаметри 102 мм ва ишчи ҳажми эса камида  $1,2 \cdot 10^6$  мм<sup>3</sup> бўлиши лозимлиги белгилаб олинди. Ўтказилган назарий тадқиқот ва тажрибалар асосида ҳарорат стимуляторнинг тажриба нусхаси ишлаб чиқилди ва тайёрланди (1-расм).

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқотларнинг натижалари**» деб номланган учинчи бобда дизель ёнилғисига биоэтанолни аралаштириш қурилмаси билан жиҳозланган двигателларда синаш натижалари бўйича ўтказилган тадқиқотлар келтирилган. Дизель ёнилғиси ва биоэтанол аралашмаларининг хусусиятларини ўрганиш, «O‘ZLITINEFTGAZ» очиқ акциядорлик жамияти қошида ташкил этилган лабораторияда амалга оширилди. Лаборатория шароитида дизель ва биоэтанол ёнилғи аралашмаси мос равишда 1, 4, 5, 6, 8, 10, 12, 15 фоизли концентрацияларда текширилди.

Аралашма таркибидаги биоэтанолнинг миқдори аралашма ҳароратига боғлиқ ҳолда қовушоқлиги 4,3 сСт дан, 3,2 сСт гача, зичлиги эса 830 кг/м<sup>3</sup> дан 824 кг/м<sup>3</sup> гача камайган. Тадқиқотлар натижаларига кўра дизель ёнилғисига 8 фоизли биоэтанол аралаштиришнинг мақбул ҳароратлари 75-80° С, 10% аралаштирилганда 80-85° С, 12% аралаштирилганда 85-90° С оралиғида бўлиши аниқланди (1-жадвал).

Олинган натижалар назарий тадқиқотларнинг натижаларига тўлиқ мос келади. Аралашма таркибига қўшилаётган биоэтанол миқдори аралаштириш вақтига боғлиқ бўлиб, биоэтанол миқдори оширилса аралаштириш ҳарорати кескин кўтарилади, сўнг маълум вақт ҳарорат ўзгармайди (5-расм).

Бу эса аралашма енгил фракцияларга ажралиб, эмулцияланиш юзага келганлигини кўрсатади.

### 1-жадвал


#### Дизель ва биоэтанол ёнилғи аралашмаси хусусиятлари таҳлили

Аралашма (дизель ёнилғиси:спирт)	Зичлиги, кг/м <sup>3</sup>	Аралашма харорати °С	Қовушоқлик, сСт
99:1(1 % биоэтанол)	830	31	4,3
96:4 (4 % биоэтанол)	828	48	4,2
95:5 (5 % биоэтанол)	827	62	4,0
94:6(6 % биоэтанол)	827	72	3,9
92:8 (8 % биоэтанол)	826	80	3,7
90:10 (10 % биоэтанол)	825	82	3,6
88:12 (12 % биоэтанол)	825	86	3,4
85:15 (15 % биоэтанол)	824	87	3,2

Аралашмали ёнилғи тайёрлашда зичлик, қовушоқлик ва ҳароратнинг мақбул қийматларини аниқлаш учун кўп омилли экспериментлар ўтказилди.

Унга кўра дизель ва биоэтанол ёнилғиларининг аралашмиш жараёни режим параметрлари аниқланди:


- |                                       |                       |
|---------------------------------------|-----------------------|
| - аралашмаларнинг ҳажм бўйича нисбати | 88:12                 |
| - аралашма ҳарорати                   | 86 °С                 |
| - белгиланган ҳароратдаги зичлиги     | 825 кг/м <sup>3</sup> |
| - белгиланган ҳароратдаги қовушоқлиги | 3,4 сСт               |
| - аралашмиш вақти                     | 2-4 дақиқа оралиғида  |



1-биоэтанол миқдори 6%; 2- биоэтанол миқдори 8%; 3- биоэтанол миқдори 10%; 4- биоэтанол миқдори 12%.

### 5-расм. Аралашмиш ҳароратининг вақтга нисбатан ўзгариш графиги

Дизель ва биоэтанол ёнилғи аралашмасини двигатель иш жараёнига таъсирини ўрганиш учун Д-21А1 двигатели билан жиҳозланган К-5543М синов стенда соф дизель ёнилғиси ва аралашмали ёнилғида ишлагандаги ёнилғи пуркалишини илгарилатиш бурчаги бўйича сошлаш ва ростлагич шахобчали тезлик характеристикалари (6-7-расмлар) олиниб, двигательни аралашма ёнилғиларга адаптация жараёнлари ўрганилди. Тажрибага кўра аралашмали ёнилғида энгил оксидланадиган углеводородлар ва этанол таркибида кислород миқдорининг кўплиги сабабли алангаланишнинг кечикиш даври жуда қисқа бўлади ва двигатель осон юргизиб юборилади, юмшоқ ва барқарор ишлайди. График (6-расм) таҳлили шуни кўрсатадики, соф дизель ёнилғисиде ишлаган двигательда энг катта қувват  $N_{max}=17,8$  кВт ва энг кам солиштирма ёнилғи сарфи  $g_{emin}=224$  г/кВт·соат га ёнилғи пуркалишини илгарилатиш бурчаги поршенни юқори чекка нуқтага (Ю.Ч.Н.) етгунча 18 градусга силжиган ҳолатга тўғри келган.




1 – соф дизель ёнилғисида;  
2 – 12 фоизли боизанол аралашмасида.

**6-расм. Двигателни ёнилғи пуркалишини илгарилатиш бурчаги бўйича созлаш характеристикаси графиги**

Шунинг учун пуркашнинг илгарилатиш бурчаги ўзининг мўтадил қийматига созланиши керак. Иккала шахобчада иш тартиботлари: салт юриш, энг катта қувват, энг катта тежамкорлик, энг катта буровчи момент ва энг кичик турғун айланишлар тезлик тартиботи кўрсатилган.

12 фоизли аралашма ёнилғида ишлаган двигателда ёнилғи пуркалишини илгарилатиш бурчаги поршенни юқори чекка нуқтага (Ю.Ч.Н.) етгунча 16 градусга силжиган ҳолатида  $N_{emax} = 18,4$  кВт энг катта қувватга ва  $g_{emin} = 217$  г/кВт·соат энг кам солиштирма ёнилғи сарфига эришилган.

Тажрибалар айланишлар тезлиги ва ёнилғи беришининг мўтадил ва ўзгармас ҳолатларида олингани учун, ёнилғини соатли сарфи амалда ўзгармай қолади, шу сабабли солиштирма ёнилғи сарфи қувватга тескари мутаносибликда ўзгаради. Ёнилғи пуркаш бошланишининг илгарилаш бурчагини мўтадил бўлмаслиги двигателнинг поршен группаси деталларининг ейилиш интенсивлигини ортишига сабаб бўлади.



I – ростлагич шахобчаси; II – корректор шахобчаси.

**7-расм. Ростлагич шахобчали дизелнинг тезлик характеристикаси графиги**

Энг катта қувватга қадар салт ишлаш шаҳобчаси характеристиканинг асосий қисми ҳисобланади ва ростлагич ишини белгилайди. 7-расмдаги график ва 3-жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ростлагич ишлайдиган зонада айланиш тезлиги катталашганда соатлик ёнилғи сарфи камаяди.

Бу ростлагич юқори босимли насос рейкасини циклик узатиш камаядиган томонга силжитиш туфайли содир бўлади. Салт юриш ва номинал қувватдаги тирсакли валнинг айланиш тезлиги бўйича ростлагичнинг нотекислик даражаси,  $\delta=0,12\%$ , буровчи момент захирасининг номинал коэффициенти  $M=0,15\%$  билан баҳоланади.

### 3-жадвал

#### I ва II шаҳобчаларидаги энг катта фойдаланиш кўрсаткичлари

№	Соф дизель ёнилғи					12 фоиз аралашмали ёнилғи				
	n, айл/мин	N <sub>e</sub> , кВт	g <sub>e</sub> , г/кВт соат	M, Н·м	G, кг/соат	n, айл/мин	N <sub>e</sub> , кВт	g <sub>e</sub> , г/кВт соат	G, кг/соат	M, Н·м
I - ростлагич шаҳобчадаги кўрсаткичлар										
1	1800	17,8	224	80	4,0	1710	18,4	217	4,0	87
II - корректор шаҳобчадаги кўрсаткичлар										
2	1710	17,4	247	87	4,3	1200	17,9	234	4,2	85

Машина-трактор агрегатлари иш самарасини ошириш учун тракторни иш вақтидаги юкланиши энг катта юкланишга яқин бўлишига йўналтириш зарур.

Диссертациянинг «Дизель ёнилғиси ва биоэтанолни қиздириб аралаштириш қурилмаси билан жиҳозланган двигателнинг синов натижалари ва техник иқтисодий кўрсаткичлари» деб номланган тўртинчи бобда қиздириб аралаштириш қурилмаси билан жиҳозланган двигателда ўтказилган синов жараёнлари ўрганилган. Дизель ва биоэтанол ёнилғиларидан сифатли аралашма ҳосил қилиш қурилмасининг синовлари ТИҚХММИнинг лабораториясида жойлашган синов стендида ҳамда хўжалик синовлари Сайхунобод ва Қамашуи туман фермер хўжаликларида олиб борилди. Олиб борилган синов натижалари давомида аралашмали ёнилғини ёниш камерасига узатиш олдидан  $86^{\circ}$  С гача қиздириш керак бўлади. Хўжалик синови учун танлаб олинган тракторларда аралашмани қиздириш учун двигателни совитиш тизимидаги суюқлик ҳароратидан фойдаланилди. Синов жараёнида Д-243 двигателидаги ёнилғи насосини белгиланган пуркаш бурчаги 2 градусга илгарилатилган ва форсунка игнасининг босими 1,4-1,6 мПа ҳолатда созланди. Ишлаб чиқилган аралашмали ёнилғи тайёрлаш ва миқдорлаб узатиш қурилмаси муаллиф томонидан такомиллаштирилган қисм ҳисобланади. Синовларининг мақсади қурилманинг эксплуатацион ресурсини аниқлашдан иборат бўлди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, дизель ёнилғисига биоэтанол миқдорлашган аралашмасидан ҳосил бўлган ёнилғи қўлланилганда, ёнилғи сарфи 6-7 фоизга

камайди ва меҳнат сарфининг камайиши ҳамда двигателнинг қуввати 6-8 фоизга, иш сифати ва унуми 2,5 фоизга ошганлигини кўрсатди.

Дизель ва биоэтанол ёнилғиларидан сифатли аралашма ҳосил қилиш қурилмасидан фойдаланилганда йиллик иқтисодий самара 3076478 сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

«Дизель ва биоэтанол ёнилғиларидан сифатли аралашма ҳосил қилиш қурилмаси параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олиб борилган изланишлар ҳамда адабиётлар ва патент инфор­мацион материаллар таҳлили дизель ёнилғисига биоэтанолни аралаштириш жараёнида ҳароратни бир меъёрга ушлаб турадиган ҳарорат стимулятори конструкциясини ишлаб чиқиш имконини яратди.

2. Дизель ёнилғиси ва биоэтанол миқдорлашган аралашмасини қиздириб узатувчи қурилманинг баландлиги 150 мм, диаметри 102 мм ва ишчи ҳажми  $1,2 \cdot 10^6$  мм<sup>3</sup> этиб олинганда иш сифатини ошириш ҳамда сарф-харажатларни камай­тириш имконини яратади.

3. Дизель ёнилғиси ва биоэтанол аралашмасини ҳосил қиладиган қурилмада аралашма концентрациялари нисбати 88:12, аралаш­иш ҳарорати 86 °С, белгиланган ҳароратда зичлиги 825 кг/м<sup>3</sup>, қовушқоқлиги 3,4 сСт, аралаш­иш вақти 2-4 дақиқа оралиғида бўлганда сифатли аралашма ҳосил бўлиш имконини яратади.

4. Қурилманинг қиздиргичидаги тешикли тарелкалар сони 2 дона ва улар орасидаги масофа 40-50 мм оралиқда олиниши аралашма ҳароратининг барқарор бўлишига хизмат қи­лади.

5. Қурилмада дизель ёнилғисига биоэтанолни 12 фоиз аралаштириб тайёрланган ёнилғини қўллаш билан дизель ёнилғисини бир литридан 12 мл тежалишига ва атмосферага чиқаётган чиқинди газлар миқдорини 25-30% камай­тириш имконини беради.

6. Дизель двигателининг ёнилғи насосини белгиланган пуркаш бурчаги 2 градус илгарилатилган ва форсунка игнасининг босими 1,4-1,6 мПа ҳолатда бўлиши аралашманинг ёниш интен­сивлиги юқори бўлишига имконият яратади.

7. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган ҳарорат стимуля­торидан фойдаланиш ҳисобига ёнилғи сарфи 1,1 мартага, фойдаланишдаги харажатлар 12 фоизга камайиши ва қурилмани дизель двигателларида қўллашдан йилига 3,0 млн сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.10.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ  
И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ХАКИМОВ БАХОДИР БОЗОРОВИЧ**

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ УСТРОЙСТВА ПО ПОДГОТОВКЕ  
КАЧЕСТВЕННОЙ СМЕСИ ДИЗЕЛЬНОГО И БИОЭТАНОЛЬНЫХ  
ТОПЛИВ**

**05.07.02 – Эксплуатация, восстановление и ремонт сельскохозяйственной и  
мелиоративной техники**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/T818.**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: [www.tiame.uz](http://www.tiame.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Салимов Окил Умурзакович**  
Академик Республиканской Академии Наук  
Узбекистана, профессор

**Официальные оппоненты:** **Худойбердиев Толибжон Солиевич**  
доктор технических наук, профессор

**Алимова Зебо Хамидуллаевна**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Туринский политехнический университет в Ташкенте**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.10.01 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер \_\_\_\_). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года  
(Протокол рассылки № \_\_\_\_\_ 2019 года)

**Б.С. Мирзаев**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**К.Д. Астанакулов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

**А.А. Ахметов**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире ведущее место занимает разработка энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных устройств по осуществлению процесса перемешивания традиционных топлив с биоэтанолом. «Если учесть, что в мире доля производства и использования альтернативного биоэтанолового топлива составляет 20-25 процентов, принять во внимание, в 2020 году этот показатель составляет 120 млрд. литра»<sup>1</sup>, то важной задачей считается разработка энерго-ресурсосберегающих устройств для получения дизельных и биоэтаноловых смесей. Вместе с этим, большое внимание уделяется производству и использованию дизельной и биоэтаноловой топлив не влияющих на изменение качественных показателей.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических основ ресурсосберегающих технологий и устройств обеспечивающих экономное использование традиционных биоэтаноловых смесей. В этом направлении является актуальной целенаправленное научное исследование по усовершенствованию конструктивной схемы ресурсосберегающих устройств для получения качественной дизельной и биоэтаноловой топливной смеси, разработка устройств обеспечивающих получение качественного нормированного дизельного и биоэтанолового смесей нагретых до необходимой температуры.

В сельскохозяйственном производстве республики проводятся широкомасштабные мероприятия по снижению затрат труда и энергии, экономии природных ресурсов, росту объема альтернативных топлив, производство качественных жидких альтернативных топлив по использованию их в качестве дополнительных топлив. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017 – 2021 годы в том числе определены задания по «...в экономической части снижение расхода энергии и ресурсов, широкое внедрение энергосберегающих технологии, расширение использования источников возобновляемых энергии, в первую очередь, ... обеспечивающих внедрению современных альтернативных топлив, широкое использование современных технологии обеспечивающих высококачественного перемешивания топлив»<sup>2</sup>. При выполнении этих задач важным является подача качественного дизельного топлива и биоэтанола с обоснованием параметров за счет технической и технологической модернизации устройства по предлагаемой конструкции.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года, «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановление

---

<sup>1</sup><http://nrm.uz/content>

<sup>2</sup>Указ Президента Республика Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республика Узбекистан»

ПП-2343 от 5 мая 2015 года «Программа мероприятия по сокращению в 2015-2019 годах в экономической и социальных сферах энергоемкости и по внедрению энергосберегающих технологии и систем», Постановления ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мероприятиях по дальнейшему развитию научно технической базы в области сельскохозяйственного машиностроения», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV. «Развитие возобновляемых источников энергии с использованием технологий и устройств для передовых технологий».

**Степень изученности проблемы.** Исследования по созданию устройств по использованию альтернативных топлив в двигателях, обоснованию их технологических процессов и параметров, а также влияние их на работу двигателей занимались R.D.Cortright, R.R.Davda, B.Dewille, G.Duricz, J.Rabilloud, S.A.Abontl-Seand, H.M.El-Shaarawi, L.Chris, В.Н.Луканин, В.А.Марков, В.А.Лиханов, В.И.Мальчук, Л.В.Грехов, А.С.Орлин, Н.А.Иващенко, С.Д.Чайнов и другие.

